

**Мавзу: «ИНСОН ФАОЛИЯТИ
БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН
ЖАРАЁНЛАР»**

Режа:

- 1. Дөхөнчилик билан боғлиқ салбий жараёнлар.**
- 2. Чорвачилик билан боғлиқ салбий жараёнлар.**

- Дехқончиликнинг табиатга нисбатан салбий таъсири ортиб бормоқда. У сабабли тупроқнинг заҳарланиши, эрозияга (емирилиши) учраши ва суғориладиган ерларнинг шўрланиши, ботқоқланиши содир булмоқда..





Тупрок эррозияси



Тупрок эррозияси



NATIONAL
GEOGRAPHIC

Photograph by Pascal Maitre

© COPYRIGHT NATIONAL GEOGRAPHIC SOCIETY. ALL RIGHTS RESERVED.

Тупрок эррозияси



Мамалакатимиз қишлоқ хұжалиғи-да 70 хилга яқин кимёвий моддалар ишлатилмоқда. Улардан тайёрланған зааркунандарға қарши заҳарлар, барг туширувчи дефолиантларни әхтиёт қилиб сақламаслик, меъёридан ортиқча сифатсиз фойдаланиш катта зарар келтиради.

Мустақил ҳамдўстлик давлат-
ларида ўртача бир гектар
ерга 113,7 кг минерал ўғит, 2
кг заҳарли модда
ишлатилса, Ўзбекистонда
284,4 кг (пахтага 438 кг) ўғит,
19,5 (баъзан пахта-га 50 кг)
килограммгача заҳарли
моддалар ишлатилган.

- Пестицидлардаги гексохлоран, ДДТ кимёвий ўғитларидағи нитрат ва нитритлар суви, сабзавот, мева ва ҳар хил үсимликларни заһарлаб, уларни истеъмол қилған чорва, парранда, **хаттоқи одамни ҳам оз-оздан заһарлаб** касал қилмоқда.

- Пестицид ва гербицид таркибидаги **диоксин** ҳозирги вақтда Орол бўйи халқларининг қони ва сутида ҳам учраётгани сир эмас. Чунки бу ерда яшаётганлар ўзларининг ерларига сепаётган заҳардан ташқари, Амударё ва Сирдарёларнинг юқори ва ўрта қисмида ифлосланиб келаётган сувдан истеъмол қиласадилар.

- Дехқончилик маданиятига амал қилмай ўрмон ва боғларнинг, мол боқиладиган ўтлоқларнинг йўқотилиши, катта сатҳга эга бўлган шудгорлаш майдонларини вужудга келиши тупроқ эрозиясига (емирилишга) сабаб бўлади. Тупрок эрозияси сув ва **шамол таъсирида** бўлади. Тупроқ эрозиясини сув билан ювилиши қиялиги $2\text{--}3^\circ$ дан ортиқ бўлган ерларда бўлади.

- Сатх қиялашган сари унинг емирилиш даражаси ошиб, баъзи ерларга солинган ўғитнинг 50% гача бўлган қисми ювилиб кетади. Баъзи ерларда ювилиб кетаётган ўғитнинг миқдори солинаётганига нисбатан 1,5 баробар ортиқ бўлади. Уларнинг бир қисми қиялик тагидага пастқам ерларда йиғилса, бир қисми дарё сувларига тушиб уни ифлослантиради.

Шамол таъсирида тупрок
емирилиш жараёни жанубда,
ўсимлик кам тарқалган чўл ва
сахроларда шамолнинг ўртacha
йиллик тезлиги 3 м/с дан ортиқ
бўлган ерларида содир бўлади.

Таркибида 1 мм дан кичик заррачалар миқдори 55-60% ортиқ бўлган тоғ жинс-ларининг емирилиши шамолнинг тезлиги 4-5 м/с дан паст бўлган ҳудудларда ҳам содир бўлади. Бунда 0,1-0,5 мм ли заррачалар сакраб учаётганда йирик заррачаларга урилиб, уларни майдалаб юборади, натижада учиб кетишга мойил заррачалар миқдорининг ошиб кетишига сабаб бўлади.

Ўзбекистоннинг 37,9% ҳудуди шамол таъсирида емирилиш жараёнига учрамоқда. Емирилиш текис шамол йўналиши бўйлаб шудгорланган майдонларда айниқса кучли бўлади. Шамол кучи 15 м/с дан ортганда, баъзан шудгорланган ер қабатининг 25 см дан ортиғи учирилиб кетади; 3-5 см ли қабатларни учирив кетиш ниҳоятда кенг тарқалган.

■ Тупроқнинг емирилиши даражасига қараб
ҳосилдорлик 15-20% (кам емирилган
тупроқ) дан 50-60% (кўп емирилган) гача
кам бўлади. Тупроқ таркибидаги
ўғитларни ювилиб ёки шамол таъсирида
учирилиб кетиши натижасида
Республикамиз миқёсида йилига бир
неча млн. сўмлик зарап келтирилади.

- Захкашларни ер ости сувларининг кўтарилиб кетмасдан олдин қурилишининг икки афзалиги бор. Биринчидан, тупроқларни шўрланишидан сақласа, иккинчидан, қурилишни енгиллаштиради. Ўрта Осиёда гилли ва леёссимон тоғ жинсларининг таркибида чанг ва майда қум заррачалар кўп (50-90%) бўлиб, улар сувга тўйингандан заррачалар атрофи сув пардаси билан қопланиб, заррачалар орасидаги боғланиш кучи, ишқаланишга қаршилиги кескин камайиб, тоғ жинслари оқувчан ҳолатга келиб қолади. Бундай тоғ жинсларида қазиш ишлари ниҳоятда қийинлашади.

- Дәхқончилиқда ер ва сувдан оқилона фойдаланмаганligимиз туфайли Орол денгизи қуримоқда. Унинг қуруқликка айланған 2,6 млн гектар тубидан йилига (маълумотларга қараганда) 70-104 млн т тузли тұғонлар күтарилиб, Орол бүйи вилоятлари мұхитини ёмонлаштирамоқда.

■ Сув тежамкорлигига алоҳида аҳамият берилишининг сабаби мамлакатимизда йилига сарфланаётган сувнинг (56 млрд м³) 82% дехқончиликка кетади. Уни ярмидан кўпи ерга шимилиб, буғланиб бекорга исроф бўлади. Сарфланган сувдан 30% га яқини туз ва заҳарли моддаларга бойиб захкашларда йифилгани сабабли дарё ва кўл сувларининг сифатини йилдан йилга ёмонлаштирмоқда.

- Гўшт етиштиришни кўпайтириш мақсадида олтмишинчи йиллардан бошлаб, йирик молхоналар, чўчқаҳоналар ва паррандаҳоналар қурила бошланди. Уларнинг сув таъминотини арzonлаштириш мақсадида қилинган қурилишлар, асосан, оқар сувлар яқинида олиб борилди. Бундай ерларда сизот сувлар сатҳи саёз жойлашган бўлиб, молхона ва чўчқаҳоналарнинг чиқиндиларидан ифлосланиш эҳтимоли катта бўлади.

■ Молхона оқар сувлардан узокроқда, чиқиндилар үғит сифатида ишлатыладиган дәхқончилік майдонлариға яқын қилиб, ер ости сувларини ифлослантирумайдиган чоралар күриб қурилмоғи лозим.

- Ўн минг чорвали бир молхонадан, аҳолиси 100 минг киши бўлган шаҳардан ташланганчалик чиқинди чиқади.